

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
Раислик қилувчи К.Аловов

судья ёрдамчиси Ҳ.Мухторовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурорининг ўринбосари М.Мухиддинов, судланувчи Ж.Мелибоев ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Суванкуловларнинг иштирокида, Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлига нисбатан юритилган 1-1302-2402/172-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли (MELIBOEV JA'FAR ZAFAR O'G'LI) - 1998 йил 23 декабрь куни Жиззах шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, "JIZZAX BUNGE BUSINESS" МЧЖ раҳбари бўлган, Жиззах шаҳар, Қассоблик МФЙ, Хамза кўчаси, 2-ётоқхона, 2-уйда яшаган, 2022 йил 21 май куни қидирув эълон қилинган, 2022 йил 14 май куни сиртдан "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 14 май куни қидирувдан ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 23 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, уларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли Шароф Рашидов туман давлат хизматлари марказидан 2021 йил 24 март куни рўйхатдан ўтган "JIZZAX BUNGE BUSINESS" МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустақамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги 264-сонли қарори, 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом", 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли қарорининг 8-банди ҳамда 2003 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 75-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда жамият ҳисоб-рақамидан 2021 йил 18 июндан 25 октябрга қадар 568.335.000 сўм пул маблағларини "Корпоратив картани



тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига ўтказиб, сотишдан тушган тушумлар ҳисоботларда акс эттирилмасдан ҳамда савдо тушумлари назорат касса машиналари хотирасига киритилмасдан ва банк муассасалари кассасига топширилмасдан 568.335.000 сўм пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Бундан ташқари, Ж.Мелибоев “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖнинг “Асакабанк” АЖ Жиззах филиали ва “Микрокредитбанк” АТБ Зарбдор филиалидаги ҳисоб рақами бўйича ўзининг биринчи имзо ҳуқуқини расмийлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сонли Фармонининг 3-бандида барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топшириши шартлиги, айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши кўрсатилган бўлса-да, мазкур меъёрий талабларга зид равишда қўшилган қиймат солиғидан кўп миқдордаги 132.488.100 сўминини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Суд мажлисида судланувчи Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил 24 январь куни ишлаш мақсадида Туркия Республикасига чиқиб кетганлигини ва 2024 йил 13 май куни қайтиб келганлигини ҳамда аэропортда ушланганлигини, “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖни Шароф Рашидов туман давлат хизматлар маркази томонидан 2021 йил 24 мартда 968080-сонли реестр рақам билан рўйхатдан ўтказганлигини, жамиятнинг фаолият кўрсатиш манзили, Шароф Рашидов тумани, Учтепа МФЙ, Пахтакор кўчаси, 16-уй ҳисобланишини, “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖда ягона таъсисчи ва раҳбар сифатида ўзи ишлаганлигини, жамиятнинг асосий фаолият тури ихтисослашган дўконларда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси ҳисобланишини, у фаолияти давомида қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланганлигини, “JIZZAX BUNGE BUSINESS” масъулияти чекланган жамиятида Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасининг буйруғига асосан камерал солиқ текшируви ўтказилганлигини, унга дастлабки тергов давомида, тергов органи томонидан текшириш далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар таништирилганлигини, билишicha, ўтказилган текширишлар натижасида жамиятнинг ҳисоб рақамига келиб тушган 1.040.642,5 минг сўм миқдордаги пул маблағлари ҳисоботларда камайтириб кўрсатилганлиги аниқланганлигини ва 135 млн. 736,0 минг сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўлов учун қўшимча ҳисобланганлигини, бундан ташқари, Шароф Рашидов тумани прокуратураси терговчисининг қарорига асосан “JIZZAX BUNGE BUSINESS” масъулияти чекланган жамиятида 2021 йилда амалга ирилган молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя



қилиниши юзасидан хужжатли текшириш ўтказилганлигини, текширишда, жамиятнинг банк ҳисоб рақамларидан 2021 йил 18 июнь санасидан 25 октябрь санасига қадар 568 млн. 335,0 минг сўм пул маблағи “корпоратив картани тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига (чиқим қилинганлиги) ўтказилганлиги аниқланганлигини, жамиятда корпоратив банк картадан сарф қилинган маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисоб - китоблари юритилмаганлигини, ҳисобдор шахс томонидан ҳисоботлар (қилинмаган) тузилмаганлигини ва сарф қилинган маблағларнинг (олинган товар моддий бойликлар, кўрсатилган иш ва хизматлар) кирим хужжатлари мавжуд эмаслигини (текширишга тақдим этилмади), олинган товар моддий бойликлар ёки кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисобварақ-фактуралар расмийлаштирилмаганлигини, солиқ идоралари маълумотлар базасига киритилмаганлиги аниқланганлигини, текширишда жамиятнинг корпоратив банк картасидан сарфланган, лекин жамиятга ҳисоб-китоби (кирим хужжатлари) тақдим этилмаган ҳисобдор шахс жамият раҳбари зиммасида бўлган пул маблағлари, яъни 568 335,0 минг сўм миқдоридан ҳисобдор шахс зиммасида ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган пул маблағлари учун 12 фоиз ставкада жами 68 200,2 минг сўм даромад солиғи бўйича қўшимча маблағ бюджетга тўлаш учун қўшимча ҳисобланганлигини, қолаверса, 2021 йил учун қўшилган қиймат солиғидан 132 488,2 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланишига сабаб, жамият томонидан ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти 883 254,3 минг сўм камайтириб кўрсатилганлиги натижасида келиб чиққанлиги маълум бўлганлигини. “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖ 2021 йилда унинг ташаббусига кўра ташкил қилинганлигини, жамият қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланганлигини, 2021 йил 18 июнь санасидан 25 октябрь санасига қадар 568 млн. 335,0 минг сўм миқдордаги пул маблағларини “корпоратив картани тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига ўтказилганлигини, кейин уни нақдлаштирилганлигини, бунинг сабаби у Тошкент шаҳридан товар олиб келиш учун нақд пулда савдо қилганлигини ва пулларнинг бир қисмини қарзларига ёпиш учун ишлатганлигини, унинг ушбу пул маблағлари айнан қайси мақсадда ишлатилганлигини ва сарфланганлигини тасдиқловчи бирон-бир хужжатлари йўқлигини, у нима сабабдан хужжатли тафтиш давомида жамият томонидан ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти 883 254,3 минг сўм камайтириб кўрсатилганлиги натижасида 132 488,2 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланганлиги аниқланганлигини билмаслигини, у ҳисоботларни камайтириб кўрсатганлигини эслай олмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Якубов Жасур Кулматович суд мажлисида 2006 йилдан буён солиқ органларида, 2024 йилнинг февраль ойидан буён Шароф Рашидов туман солиқ инспекцияси солиқ маъмурчилиги



бўлими бош инспектори вазифасида ишлаб келишини, муқаддам ўтказилган камерал солиқ текшируви ва ҳужжатли тафтиш давомида Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, моддий бойлик орттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги “Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 264-сонли қарори, 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом”, 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорининг 8-банди ҳамда 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда жамият ҳисоб-рақамидан 2021 йил 18 июнь кунидан 25 октябрь кунига қадар 568 млн. 335 минг сўм пул маблағларини “Корпоратив картани тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига ўтказиб, сотишдан тушган тушумлар ҳисоботларда акс эттирилмасдан ҳамда савдо тушумлари назорат касса машиналари хотирасига киритилмасдан ва банк муассасалари кассасига топширилмасдан 568 млн. 335 минг сўм пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганлиги ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида, “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖнинг “Асакабанк” АЖ Жиззах филиали ва “Микрокредитбанк” АТБ Зарбдор филиалидаги ҳисоб рақами бўйича ўзининг биринчи имзо ҳуқуқини расмийлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сонли Фармонининг 3-бандида “барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топшириши шартлиги, айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши” кўрсатилган бўлса-да, мазкур меъёрий талабларга зид равишда қўшилган қиймат солиғидан 132 млн. 488 минг 100 сўм, жисмоний шахслар даромад солиғидан 68 млн. 200 минг 200 сўм, жами 200 млн. 688 минг 300 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги аниқланганлигини, Ж.Якубов умумий ҳисобда 200 млн. 688 минг 300 сўмлик сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқ ва мажбурий тўловларни қасддан тўлашдан бўйин товлаганлиги оқибатида давлат манфаатларига зарар етганлигини, бугунги кунга қадар ушбу моддий зарар давлат фойдасига тўлаб берилмаганлигини, шу сабабли давлат манфаатларига етказилган 200 млн. 688 минг 300 сўмлик моддий



зарарни айбдор шахслардан ундириб берилишини таъминлаб, уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Маманазаров Зафаржон Ғайрат ўғли суд мажлисида Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси “Камерал солиқ текширувлар шўъбаси” давлат солиқ бош инспектори бўлиб ишлаб келишини, Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 18 ноябрдаги 20/1-01061-кт-сонли буйруғига асосан Ш.Рашидов туманида жойлашган “Jizzax bunge business” МЧЖда камерал солиқ текшируви ўтказганлигини, жамият томонидан 2021 йилнинг апрель-сентябрь ойлари учун тақдим қилинган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботларида товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш оборотлари ҳамда харид қилинган товарлар бўйича ҳисобга олиниши лозим бўлган суммалар кўрсатилмаганлигини, яъни 0 (ноль) ҳисобот тақдим этилганлигини, жамиятнинг “Асакабанк” АЖ Жиззах филиалидаги банк айланмалари таҳлил қилинганда, асаричилик учун 30.000.000,0 сўм, келинлик либослари учун 225.000.000,0 сўм, мебель ишлаб чиқариш ускунаси учун 33.000.000,0 сўм, паррандачилик учун 33.000.000,0 сўм, цемент учун 144.000.000,0 сўм, тикув машиналари учун 30.000.000,0 сўм жами 495.000.000,0 сўм пул маблағлари келиб тушган бўлиб, ушбу суммалар маҳсулот харид қилиш учун жисмоний шахсларнинг пластик карталарига чиқим қилинганлигини, жамиятнинг “Микрокредитбанк” АТБ Зарбдор филиалидаги банк айланмалари таҳлил қилинганда, асаричилик учун 48.000.000,0 сўм, компьютер жиҳозлари учун 24.900.000,0 сўм, кавролан учун 16.142.500,0 сўм, машина жиҳозлари учун 150.000.000,0 сўм, парранда ва озуқаси учун 24.900.000,0 сўм, пайвандлаш ускуналари учун 66.000.000,0 сўм, қурилиш материаллари учун 13.000.000,0 сўм, қуён ва озуқаси учун 57.000.000,0 сўм, салқин ичимликлар учун 35.000.000,0 сўм, тикув машинаси учун 136.300.000,0 сўм жами 571.242.500,0 сўм пул маблағлари келиб тушган бўлиб, электрон хизматлар учун 15.000,0 сўм, корпоратив картани тўлдириш учун 568.335.000,0 сўм, кўрсатилган хизматлар учун 10.000,0 сўм, солиқ ва йиғимлар учун 3.050,0 сўм, банк воситачилик ҳақи учун 2.879.450,0 сўм пул маблағлари чиқим қилинганлигини, жамият томонидан 2021 йил октябрь ойи учун тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи ҳисоботларида товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш оборотлари ҚҚС билан 25.600.000,5 сўм кўрсатилиб ҳисобот тақдим қилинганлигини, жамият банк ҳисоб рақамларига тушган маблағларига нисбатан $(1.066.242.500,0 - 5.600.000,5) * 15 / 115 = 135.735.978,2$ сўм қўшимча қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганлигини, бундан ташқари текшириш жараёнида солиқ тўловчи томонидан харид қилинган ва сотилган маҳсулотлар ўртасида номутаносиблик мавжуд бўлиб, етказиш баҳоси ҚҚС билан жами 50.500.019,0 сўмлик харид қилинмаган (қуён, тикув машиналари) маҳсулотлар реализацияси амалга оширилганлигини, ўтказилган текшириш натижасида жамият томонидан қўшилган қиймат солиғига жами 135.735.978,2 сўм қўшимча солиқ ҳисобланмасдан ва бюджетга тўланмасдан қолганлиги аниқланиб,



шу кунга қадар бюджетга тўланмасдан келинаётганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Турсунов Зафар Мелибоевич суд мажлисида Мелибоев Жафар ўғли бўлишини, ўғлини “Jizzax bunge business” МЧЖни қачон очганлигидан ва уни қандай тартибда ишлатганлигидан хабари бўлмаганлигини, ўғли 2022 йилнинг февраль ойида ишлаш мақсадида Туркия давлатига кетганлигини, ўғлини “Jizzax bunge business” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаб келганлигини ва мазкур жамиятнинг 2021 йил учун тақдим этган солиқ ҳисоботларида товарлар реализациясини 1 млрд. 40 млн. 642 минг сўмга камайтириб кўрсатгани натижасида 135 млн. 735 минг сўм қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаганлигини Департаментнинг ходимлари уйига келганидан сўнг билганлигини, ўғли ушбу жамиятни қачон ташкил қилганлиги, нима сабабдан ўзини хабари йўқлигини сўраган вақтида ўғли Ж.Мелибоев аралашмаслигини, жамият фаолиятини ўзи бошқарганлигини айтганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Эргашев Музаффар Алибоевич Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси “Солиқ назорати” бўлими “Солиқ аудити” шўъбаси давлат солиқ катта инспектори лавозимида ишлаб келишини, мазкур жиноят иши бўйича 2022 йил 27 апрель куни қабул қилинган “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги”ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Жиззах вилоят бошқармаси ҳужжатли текширишлар бўлими тафтишчиси билан биргаликда Шароф Рашидов тумани “Давлат хизматлари маркази”дан 2021 йил 24 март куни 968080-сонли рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “JIZZAX BUNGE BUSINESS” масъулияти чекланган жамиятида 2021 йилда амалга оширилган молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказганлигини, “JIZZAX BUNGE BUSINESS” масъулияти чекланган жамияти Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани “Давлат хизматлари маркази”дан 2021 йил 24 март куни 968080-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, жамиятга солиқ тўловчи юридик шахс сифатида 308321307-сонли идентификация рақами берилганлигини, асосий фаолияти тури - ихтисослашган дўконларда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси ҳисобланишини, текширилган даврда “JIZZAX BUNGE BUSINESS” масъулияти чекланган жамияти раҳбари бўлиб Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли ишлаганлигини, жамиятга текширилган даврда ҳисобчи вазифасига ҳужжат асосида ходим ишга қабул қилинмаганлигини, текширилган 2021 йилда амалга оширилган фаолияти билан боғлиқ бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрларининг икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, харид қилинган ҳамда реализация қилинган товар-моддий бойликлар бўйича тузилган шартномалар, товарлар кирим-чиқим ҳужжатлари, ҳисоботлари жамият раҳбари ва (ёки) унинг ишончли вакили томонидан текширишга тақдим



этилмаганлигини, шунга кўра ушбу текшириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 26-моддасига мувофиқ жамиятнинг Давлат солиқ идораларига тақдим этилган ҳисоб-китоби, ҳисоботлари, солиқ идоралари маълумотлар базасига киритилган электрон ҳисоб варақ-фактуралар, ҳисоб рақамларида пул маблағлари айланмаси тўғрисидаги маълумотлари, текшириш жараёнида тўпланган ички ва ташқи манба маълумотлари асосида ўтказилганлигини, жамиятнинг солиқ идорасида юритилган шахсий варақаси ва тақдим этилган ҳисоботига кўра, 2021 йил бўйича фойда солиғи ҳисобланмаган ва бюджетга тўловлар амалга оширилмаганлигини, текшириш жараёнида тўпланган ички ва ташқи манба маълумотлари асосида 2021 йилда жамиятнинг фойда солиғига тортиладиган (қўшилган қиймат солиғисиз) тушуми 927 167,4 минг сўмлиги аниқланиб, текширишда аниқланган харажатлар суммаси 930 096,5 минг сўм чегирилганда (манфий) - 439,1 минг сўм камайтириш учун фойда солиғи ҳисобланганлигини, текширишда 2021 йил учун камайтиришга ҳисобланган 439,1 минг сўм фойда солиғи, текширишда фойда солиғига тортиладиган тушум миқдоридан, чегириладиган харажатлар суммаси 2 929,1 минг сўм ортиқча аниқланганлиги натижасида келиб чиққанлигини, жамиятга қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги 308040154540-сонли гувоҳнома 2021 йил 31 мартда берилганлигини, жамият томонидан 2021 йилда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўлов учун 6 586,9 минг сўм ҳисобланиб, бюджетга 3,0 минг сўм тўлаб берилганлигини, текширишда мавжуд ҳужжат ва маълумотлар асосида қўшилган қиймат солиғи 2021 йил учун қайта ҳисоб-китоб қилинганда, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 139 075,1 минг сўм ҳисобланганлигини ёки жамиятнинг солиқ идорасига тақдим этилган ҳисоботига нисбатан 132 488,2 минг сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўлаш учун қўшимча ҳисобланганлигини, текширишда 2021 йил учун қўшилган қиймат солиғидан 132 488,2 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланишига сабаб, жамият томонидан ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти 883 254,3 минг сўм камайтириб кўрсатилганлиги натижасида келиб чиққанлигини, жамиятнинг корпоратив банк картаси мавжуд бўлиб, жамият ҳисоб-рақамдан 2021 йил 18 июндан 25 октябрга қадар 568 млн. 335,0 минг сўм пул маблағи “корпоратив картани тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига (чиқим қилинган) ўтказилганлигини, бироқ жамиятда корпоратив банк картадан сарф қилинган маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисоб - китоблари юритилмаганлигини, корпоратив картадан сарф қилинган маблағлар учун 1470-сон билан рўйхатга олинган Низом талабларига асосан ҳисобдор шахс томонидан ҳисоботлар (қилинмаган) тузилмаган ва сарф қилинган маблағларнинг (олинган товар моддий бойликлар, кўрсатилган иш ва хизматлар) кирим ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, текширишга тақдим этилмаганлигини, олинган товар моддий



бойликлар ёки кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисоб варақ-фактуралар расмийлаштирилмаганлигини, солиқ идоралари маълумотлар базасига киритилмаганлигини, шунга кўра, яъни жамиятда корпоратив банк картадан сарф қилинган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоб - китоби юритилмаганлигини, корпоратив картадан сарф қилинган маблағларнинг кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги, ва корпоратив банк картадан маблағлар жамият раҳбарининг шахсий манфаати ва харажатлари учун ишлатилганлиги туфайли, текширишда корпоратив банк картадан сарфланганлигини, бироқ жамиятга ҳисоб-китоби тақдим этилмаганлигини, яъни 568 335,0 минг сўм миқдорда ҳисобдор шахс зиммасида ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган пул маблағлари учун 12 фоиз ставкада жами 68 200,2 минг сўм даромад солиғи бўйича қўшимча маблағ бюджетга тўлаш учун қўшимча ҳисобланганлигини, "JZZAX BUNGE BUSINESS" масъулияти чекланган жамияти банк ҳисоб рақамларига 2021 йил давомида харидорлардан товарлар сотиб олиш учун жами 1 066 242,5 минг сўм келиб тушганлигини, шундан 494 975,4 минг сўм таъминотчиларга товарлар хариди учун ўтказиб берилиб, 568 335,0 минг сўм корпоратив картани тўлдириш учун мазмунида ҳисоб рақамидан чиқим қилинганлигини, бироқ жамиятда, жамият ҳисоб рақамига харидорлардан товарлар сотиб олиш учун келиб тушган ва таъминотчиларга товарлар хариди учун чиқим қилинган маблағлар ҳисобига олинган ва етказиб берилган товарлар кирим-чиқим ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, текширишда жамият ҳисоб рақамига харидорлардан товарлар сотиб олиш учун (аксарият жисмоний шахсларнинг банкдан олинган истеъмол кредит маблағлари ҳисобидан) келиб тушган (қўшилган қиймат солиғи билан) 1 066 242,5 минг сўм маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум сифатида қаралиб, белгиланган тартибда солиқ ва тўловлар ҳисобланганлигини, жамиятнинг банк ҳисоб рақамларида пул маблағлари айланмаси тўғрисидаги маълумоти ўрганилганда жамият ҳисоб-рақамдан 2021 йилнинг 18 июнь санасидан 25 октябрь санасига қадар 568 млн. 335,0 минг сўм пул маблағи "корпоратив картани тўлдириш учун" мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига (чиқим қилинганлиги) ўтказилганлиги маълум бўлганлигини, бироқ жамиятда корпоратив банк картадан сарф қилинган маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисоб - китоблари юритилмаганлигини, корпоратив картадан сарф қилинган маблағлар учун 1470-сон билан рўйхатга олинган Низом талабларига асосан ҳисобдор шахс томонидан ҳисоботлар (қилинмаган) тузилмаган ва сарф қилинган маблағларнинг (олинган товар моддий бойликлар, кўрсатилган иш ва хизматлар) кирим ҳужжатлари мавжуд эмаслигини (текширишга тақдим этилмади), олинган товар моддий бойликлар ёки кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисоб варақ-фактуралар расмийлаштирилмаганлигини, солиқ идоралари маълумотлар базасига киритилмаганлигини, бу билан жамиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган "Аҳоли билан



пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом” ҳамда 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Низом талаблари бузилишига йўл қўйилганлигини, хусусан жамият ҳисоб-рақамдан 2021 йил 18 июндан 25 октябрга қадар 568 млн. 335,0 минг сўм пул маблағи “корпоратив картани тўлдириш учун” мазмунида жамиятнинг корпоратив картасига (чиқим қилинган) ўтказилган бўлса-да, ҳисобдор шахс жамият раҳбари томонидан ҳисоботлар (қилинмасдан) тузилмасдан ва сарф қилинган маблағлар ҳисобига олинган товар моддий бойликлар ёки кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисоб варақ-фактуралар расмийлаштирмасдан ҳамда солиқ идоралари маълумотлар базасига киритмасдан сарфлаб юборилиб, 568 млн. 335,0 минг сўм пул (товарларнинг) маблағларининг банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, жуда кўп миқдордаги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилишига йўл қўйилганлигини, текшириш натижасида жами қўшимча ҳисобланган солиқ ва тўловлар миқдори (қўшилган қиймат солиғидан 132 488,1 минг сўм, жисмоний шахслар даромад солиғидан 68 200,2 минг сўм) жами 200 млн. 688,3 минг сўмни ва содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилиши лозим бўлган молиявий жарима суммаси 176 млн. 650,9 минг сўмни ташкил қилганлигини, текширишда мавжуд ҳужжат ва маълумотлар асосида қўшилган қиймат солиғи 2021 йил учун қайта ҳисоб-китоб қилинганда, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 139 075,1 минг сўм ҳисобланганлигини ёки жамиятнинг солиқ идорасига тақдим этилган ҳисоботиغا нисбатан 132 488,2 минг сўм қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўлаш учун қўшимча ҳисобланганлигини, текширишда қўшилган қиймат солиғидан 132 488,2 минг сўм қўшимча ҳисобланган солиқ жамият томонидан ҳисоботларда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти 883 254,3 минг сўм камайтириб кўрсатилганлиги натижасида келиб чиққанлигини, жамиятнинг банк корпоратив картаси мавжуд бўлиб, банк корпоратив картасидан сарф қилинган маблағларнинг бухгалтерия ҳисоб - китоби юритилмаганлиги, корпоратив картадан сарф қилинган маблағларнинг кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаганлиги ва корпоратив банк картадан маблағлар жамият раҳбарининг шахсий манфаати ва харажатлари учун ишлатилганлиги туфайли, текширишда корпоратив банк картадан сарфланганлигини, бироқ жамиятга ҳисоб-китоби тақдим этилмаганлигини, 568 335,0 минг сўм миқдорда ҳисобдор шахс зиммасида ҳисоб-китоби мавжуд бўлмаган пул маблағлари учун 12 фоиз ставкада жами 68 200,2 минг сўм даромад солиғи бўйича қўшимча маблағ бюджетга тўлаш учун қўшимча ҳисобланишини, жамиятнинг солиқ идорасида юритилган шахсий варақаси бўйича, текшириш кунига



жамиятнинг бюджет олдидаги солиқ қазии 106 млн. 516,5 минг сўми, жумладан қўшилган қиймат солиғидан 6 586,9 минг сўми, айланмадан олинадиган солиқдан 99 841,2 минг сўми, иш ҳақидан даромад солиғидан 80,9 минг сўми, ижтимоий солиқдан 6,8 минг сўми ва жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига тўловдан 0,7 минг сўми ташкил қилишини билдириб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи З.Мелибоевнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Мелибоев 200.688.300 сўм жуда кўп миқдордаги солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Суд мажлисида ҳимоячининг илтимосномаси асосида суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сирдарё вилоят бўлимининг 2024 йил 30 сентябрдаги 29/32(498)17.1Z/521-сонли суд-бухгалтерия экспертизаси бўйича давлат суд экспертнинг хулосасида “Ҳужжатли текширишда жамият корпоратив банк картасига ўтказилган 568.335,0 минг сўм маблағлар ҳисобига товарлар олинган ва реализация қилинган деб ҳисобланиб, бу сумма тўлалигича қўшилган қиймат солиғига тортилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом 2021 йил 3 апрелда 1470-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарор билан ўз кучини йўқотган деб топилганлиги сабабли ушбу Низом асосида корпоратив банк картасига ўтказилган 568.335,0 минг сўм маблағлар учун 12 фоиз ставкада 68.200,2 минг сўм даромад солиғи қўшимча ҳисобланганлик ҳолатини асослангиланган деб ҳисоблаб бўлмади” деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси 3-қисми талабига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик лан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак.



Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”-деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли қарорининг 16-бандида “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” деб;

Юқоридаги Пленум қарорининг 24-банди 2,3-хатбошиларида “ЖПКнинг 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Юқорида қайд этилганларга асосан дастлабки терговда “JZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖда 2021 йилда амалга оширилган молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текшириш якуни бўйича 2022 йил 22 майда тузилган текшириш далолатномада асос сифатида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом 2021 йил 3 апрелда 1470-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарор билан ўз кучини йўқотганлиги сабабли ушбу Низом асосида ҳисобланган 68.200.000 сўм қўшимча солиқни судланувчи З.Мелибоев тўлашдан бўйин товлаган деб ҳисоблаб бўлмади.

Суд Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сирдарё вилоят бўлимининг 2024 йил 30 сентябрдаги



29/32(498)17.1Z/521-сонли суд-бухгалтерия экспертизаси бўйича давлат суд экспертнинг хулосасини инобатга олиб, юқоридаги қайд этилган Пленум қарори тушунтиришига амал қилган ҳолда судланувчи З.Мелибоевни 132.488.100 сўм солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаган деб ҳисоблаб, бу миқдор жуда кўп миқдорни ташкил қилмаганлиги сабабли унинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмидан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда тарафлар фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи З.Мелибоевнинг жуда кўп миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳамда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаганликда ифодаланган айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишидаги 2022 йил 24 майдаги “JZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖда 2021 йилда амалга оширилган молиявий хўжалик фаолияти ва солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ҳужжатли текшириш далолатномаси, илова ҳужжатлар (жи.1-жилд, и.в.93-169), Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сирдарё вилоят бўлимнинг 2024 йил 30 сентябрдаги 29/32(498)17.1Z/521-сонли суд-бухгалтерия экспертизаси бўйича давлат суд экспертнинг хулосаси ҳамда судда текширилган ишончга сазовор бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи З.Мелибоев жуда кўп миқдорда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳамда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаганликда ифодаланган жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилган деб топди.

Суд З.Мелибоевнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар эса мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи З.Мелибоевга нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг қаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда



3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, шунингдек судланувчи томонидан жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадни, айб шакли ва даражасини, унинг шахси, жиноят содир этилиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жами 132.488.100 сўм солиқларни қопланмаганлигини ҳамда ишнинг бошқа ҳолатларни, ЖКнинг 184-моддаси 4-қисми талаби, яъни “Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деган талабини инobatга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топишни, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмаслиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, З.Мелибоев “JIZZAX BUNGE BUSINESS” МЧЖ раҳбари ҳисобланиб, жамият тадбиркорлик фаолияти билан билан шуғулланадилар.

Шу сабабли суд З.Мелибоевга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазони тайинламасликни лозим топди.

Бундан ташқари, суд З.Мелибоевдан Шароф Рашидов туман солиқ инспекцияси фойдасига 132.488.100 сўм солиқларни ундиришни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади

Ҳ У К М

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғли (MELIBOEV JA'FAR ZAFAR O'G'LI)
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.



Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 (бир) йил 7 (етти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазолар қисман қўшилиб, узил-кесил ўташ учун 1 (бир) йил 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлига нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жазони манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ 2024 йил 14 майдан бошлаб ҳисоблансин.

Мелибоев Жаъфар Зафар ўғлидан Шароф Рашидов туман солиқ инспекцияси фойдасига 132.488.100 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ва прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри

ИМЗО

К.А.АЛОВОВ

